

ЖАҲОН ТОҶИКЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз қардош ва қондош тожик биродарлар!
Жаҳон тожикларининг мўтабар анжуманини самимию муборакбод этаман.
Ислому фалсафасига, урф-одатларимиз, маънавий қадриятларимиз бирлигига асосланган ўзбек ва тожик халқларининг ақллиги наслларимизнинг қон-қонига сингиб кетган ҳақиқатдир.
Бизнинг давлатларимиз эндиликда мустақиллик қадамини қўймоқда. Аммо истиқлол ҳеч қачон осонлик билан қўлга киритилмаган. Бу йўл мураккаб тўғсиқлардан иборатдир. Бугунги маҳарқатли кунларни энгис ўтиш учун қадимий тожик миллатининг асрлар давомида шаклланган буюк ақл-заковати, метин иродаси, сабр-тоқати етарли эканига ҳеч ким шубҳа қилмайди.
Утган авлод-аждодларимиз, Абдурахмон Ҷомий ва Алишер Навоий каби буюк алломаларимиз руҳлари бизни шайтоний васвасалардан, баъзи ёвуз ниятларини қўзғалаган ташқи сиёсий гуруҳлар фитнасидан асрасин, шаҳарларимизни харобаларга айланишидан, оналар ва гуақларнинг ўқинчи кўз ёшлари бевақт тўкилишидан сақласин. Ўзбек халқи учун доимо жондош ва елкадош бўлган тожик биродарларимиз хонадонларида тезроқ тинчлик, оқойишталлик ва бирлик қарор топшини Олло-таолодан сураб қоламан.
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1992 йил 9 сентябрь.

ТОҶИКНИНГ ОНШИОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

№ 178 (8. 120) 1992 йил 10 сентябрь, пайшанба Нархи 2 сўм.



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Генри Лии Кларк мамлакатимиз Президентини Ислом Каримовга ишонч ёрлиқларини топширди.
Жаноб Генри Л. Кларк ўз ваифасини бажаришга киришар экан, дипломатия алоқалари ўрнатилиши иккала давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим қадам бўлади, деб таъкидлади.
Ислом Каримов Генри Л. Кларк жанобларига бугунги кунда Ўзбекистонда АҚШ билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш учун барча шароитлар, аввало, сиёсий барқарорлик мавжудлиги ҳақида гапириб берди.
Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар ваъзирининг биринчи ўринбосари Ш. Зиёмов ҳозир бўлди.
(ЎзА).

ЯНА БИТТАГА ОРТДИ

СўНГИГИ вақтларда шаҳаримизнинг Қорасун даҳаси ўзига хос чирой очаяпти. Бу ерда кўп қаватли турар жой бинолари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш нуқталари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Яқинда шунақа уйлар сони яна биттага ортди.
Даҳанинг 6-мавзесида қад кўтарган бу 9 қаватли бинода қурилиш ишларини Тошкент қурилиш бош бошқармасига қарашли 1-уйсозлик комбинати бинокорлари олиб боришмоқда.
Қурилиш материалларининг тақчиллигига қарамасдан, дейди бригада бошлиғи Маҳмуд Шомансуров, — бинони ўз вақтида фойдаланишга топширишга ҳаракат қилаёмиз. Ҳозир бунёдкорларимиз мазкур 36 хонадонли уйнинг учинчи қаватида қурилиш тиклаш ишларини олиб боришмоқда. Қурувчилар бинони йил охиригача фойдаланишга топширишга ҳаракат қилаётганлар.
Ғани ЕСЕНОВ.

КЕЛАЖАК АВЛОДГА ҒАМХЎРЛИК


ИҚТИСОДИЙ танглик ҳукм сураётган ҳозирги кунда халқ таълими тармоғидаги муассасалар ҳам қийинчиликни бошдан кечирмоқда. Аммо халқимиз ҳар доим келажак авлод учун қайғурган, болалар муассасаларидан моддий ва маънавий ёрдамни дариг тутмаган. Бундай савобли ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва жамлаш учун яқинда Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозилбеков қарори билан «Келажакимиз — мактабда» вақфи (жамғармаси) очилган эди. Ана шу хайрли вақфининг раиси, ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг раҳбар ходимлар кабинети бошлиғи Назира Аҳмедова ташкилотнинг фаолияти ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:
— Пойтахтда ярим миллиондан ортиқ болалар ва ўсмирлар таълим ва тарбия олаётган 1000 дан ортиқ муассасалар бор. Уларга ёрдам бериш учун кўп маблағ керак бўлади. Шуқрлар бўлсинки, юртимизда меҳрибон одамлар кўп. Биз вақфининг оёққа туришида ҳар хил кооперативларга, эркин бозор муносабатига қўйилган ишлаб чиқариш ташиқлотларига, хусусий шахс ва корхоналар кўмағига умид қиламиз. Йиғилган маблағни шаҳардаги тарбия муассасаларининг моддий базасини тиклашга, иқтисодий болаларнинг махсус таълим олишларини таъминлашга, қийналган ва кўп болани оилаларга ёрдам тўриқасида сарфлаймиз. Моддий маблағни тақсимлашда ва ишлатишда Ўзбекистон Республикасининг конституцион қонунарига анал қиламиз.
Самд АЗИЗ.

ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

ШАҲАР электротранспорт ходимлари Ўзбекистон Республикаси Мустиқлигининг бир йиллик байрами арафасида тўртинчи троллейбус йўналишини Университет шаҳарчасидан Тانسиктоб даҳасига қадар узайтирдилар. Собир Раҳимов районининг Қорақамш 2/4 ва Тانسиктоб даҳаси аҳолиси электр транспортчилари яратган қулайликдан мамнун бўлдилар.
Шу кунларда 2,5 чақиримга узайтирилган ушбу йўналишда 23 та машина олти дақиқалик оралиқда мунтазам қатнаб турибди.
Сухроб АЛИЕВ.

ИШОНЧ ЁРЛИГИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АҚШНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ГЕНРИ ЛИИ КЛАРК

1941 йил 15 ноябрда туғилган, олий маълумотли. 1962 йилда Дартмут коллежини тугатлаган. 1967 йили Гарвард университетининг Жон Кеннеди номидagi давлат хизматчилари мактабини битирган.
1962—1965 йилларда АҚШ армиясида хизмат қилган. Олмон, румин, рус тилларини билади. Хукумат мукофотларига сазовор бўлган. Давлат департаменти хорижий хизмат раҳбарияти тарихига кирди.
1967—1969 йилларда АҚШнинг Мюнхендаги (ФФР) Бош консулидаги кичик хизматчи.
1970—1972 йилларда — АҚШнинг Лагосдаги (Нигерия) элчихонаси савдо-иқтисодий бўлимининг ходими.
1976—1978 йилларда — Давлат департаментининг Шарқ ва Ғарб билан савдо бўлими савдо сиёсати шўбасининг мудири.
1978—1980 йилларда — Давлат департаменти Шарқ ва Ғарб билан савдо бўлими директорининг ўринбосари.
1980—1981 йилларда — Давлат департаменти сиёсий-иқтисодий алоқалар бўйича Оврупо минтағаси бўлими савдо сиёсати шўбасининг мудири.
1982—1985 йилларда — АҚШнинг Москвадаги (СССР) элчихонасининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси.
1985—1989 йилларда — Бухарестдаги (Руминия) Америка дипломатия ваколатхонаси бошлиғининг ўринбосари.
1989—1992 йилларда — АҚШнинг Тель-Авивдаги (Исроил) элчихонасининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси.
1992 йил май ойидан бошлаб АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси этиб тайинланган.



Ўрта Осий электр аппаратлари илмий ишлаб чиқариш бирилшмаси махсуслоштирилган республикамизда, балки чет элларда ҳам машҳур. Ҳозир корхонада хорижга жўнатиладиган махсуслоштирилган махсус ишлаб турибди. Бу бўлимда самарали меҳнат қилаётган Ҳамида Раҳимова, Андрей Пищенко сурати.
Раёно Гульмановалар эса четга чиқарилаётган махсуслоштирилган йиғинда ҳамма тез ва соз ҳаракат қилишди.
СУРАТДА: (чапдан) Ҳамида Раҳимова ҳамда Раёно Гульмановалар.
Андрей Пищенко сурати.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорат комитети хайъатининг махсус алоқачилик бўлими билан молия идораларининг 1992 йил биринчи ярми бюджетини бажариш юзасидан ишларини, Хоразм вилоятида кичик, ижара корхоналари, маъсулйати чекланган жамиятлар фаолиятини текшириш натижалари, бошқа масалалар кўриб чиқилди.
- Фарғона вилоятида оммавий равишда пахта теримига киришилди. Бу пайтга келиб, одатда вилоятда пахта тайёрлаш режаси 15-20 фоиз атрофида бажарилган бўлади. Бу йил пахта етилишининг ўртача 15-17 кунга кечиккашлиги эндиликка ҳосил теримга тушиш имконини берди. Ҳозирги вазиятни ҳисобга олган ҳолда йиғим-теримни гоат ушшоқлик билан ўтказиш чоралари қўйилди.
- Шу йил 25-29 сентябрда Тошкентда Ўзбекистон ва Россия ишбилармонларининг амалий учрашуви бўлиб ўтди.

ҲАМДУСТЛИКДА

- Россия Президенти Борис Ельциннинг Японияга шу оғир режалаштирилган расмий сафари номаълум муддатга кечиктирилди. Сиёсий шарҳловчиларнинг фикрича, бу Кунри олраларини Японияга қайтариб бериш муаммоси билан боғлиқдир.
- Душанбеда жаҳон тожиклари вакилларининг анжумани ўз ишини бошлади. Унда ўндан кўпроқ мамлакатда истиқомат қилувчи тожиклар вакиллари қатнашмоқдалар.
- Россия востачилигида Грузия билан Абхазия ўзаро ўт очиниш тўхташига келишигача қарамасдан, бу ехдлашув бўлимоқда. 8 сентябрдан 9 сентябрга ўтар кечаси Гумиста дарёси сўл соҳилида бўлиб ўтган қуроли тўқнашувда Грузия томонидан беш киши ҳалок бўлган. Ҳар икки томондан ярадор бўлганлар кўп.
- Беларусда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бўлими очилди. У бу республикага боғрога ўтиш даврида техникавий ёрдам кўрсатади ҳамда Чернобил фожияси оқибатларини Бертараф этишда кўмаклашади.
- Москвада Россия билан Литва мудоффа ваъзирлари имзолаган битимга кўра Россия Федерацияси ўз қўшинларини Литва ҳудудидан 1993 йил 31 августгача олиб чиқиб кетиш мажбуриятини олди.

ХОРИЖДА

- Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори жаноб М. Хансен Ўзбекистон Республикаси ушбу ташкилотга аъзо қилиб қабул қилинганини муносабати билан ташкилот қароргоҳи — Женевадан табринома бўлди.
- Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо бўлиш республикамизга меҳнатқилар иш ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган халқаро дастурларнинг тўла ҳуқуқли қатнашчиси бўлиш, бу нуфузли ташкилотдан мутахассислар тайёрлашда кўмак олиш имконини беради.
- Япония шу йил 19 августда табиий офатдан зарар кўрган Қирғизистонга шонлиқин инсонпарварлик ёрдами кўрсатадиган бўлди. Бу республикага Япониядан юз минг долларли турли моллар жўнатилади. Илгарик Қирғизистонга 34 тонна дори-дармон ва озиқ-овқат юборилган эди.
- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра Сомали 7 миллион аҳолисининг 4,5 миллиони ҳозир оҳнаҳор яшамоқда. Бу мамлакатда очликдан йилга ўртача 2 минг киши ҳалок бўлмоқда.
- Руминиянинг Костешт қишлоғида тарихда илк бор бўлилар подшоҳининг тантанали тахтага ўтириш маросими бўлиб ўтди. Сибир шаҳрида истиқомат қилувчи 53 йилли Иона Човаба «Лўлиларнинг халқаро подшоҳи, уларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотиди вакили бўлди.
- Шаҳмат бўйича собиқ жаҳон чемпионлари Роберт Фишер билан Борис Спасский ўртасида Югославияда Давом этаётган учрашунинг бешинчи ўйинида яна Борис Спасскийнинг қўли балаид келди. Беш соат давом этган беллашудан сўнг у 45-юришда Роберт Фишернинг енди. Энди ҳисоб Борис Спасский фойдасига 2:1 бўлди.

«МАШЪАЛ»НИНГ ҲИММАТИ

«СРЕДАЗКАБЕЛЬ» ишлаб чиқариш бирилшмаси ҳузурида қатор ижара корхоналари барди. Бундай корхоналардан бири «Машъал» деб номланмоқда. У сифатли махсуслоштирилган ишлаб чиқариш, кўччиликка яхши танилиб қолди.
Корхонада ишлаб топилган маблағининг бир қисми раҳмат ҳаракати учун сарфланмоқда. «Машъал» раҳбарияти Тошкент шаҳар раҳмат шифақат жамғармаси билан ҳам яқин алоқа боғлади.
Яқинда корхона ушбу жамғармага 15 минг сўм пул ўтказди. Шунингдек, ноҳор оилаларга ёрдам пули бериш ҳам кўзда тутилди.
Саодат ОДИЛОВА.

ҚУДДУСГА ОЧИЛГАН ЙЎЛ

ЎЗБЕКИСТОН УЧУВЧИЛАРИ ЯНА БИР ЯНГИ: ТОШКЕНТ—ТЕЛЬ-АВИВ—ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ҲАВО КўП-РИГИ ЎРНАТДИЛАР

гини сезмай қолибмиз. Тошкент вақти билан соат 13 дан 10 дақиқа, Исроил вақти билан эса соат 11 дан 10 дақиқа ўтганда кема экипажи самолётни Исроил давлатининг асосини бўлган Бен Гурион номидаги аэропортга йўловчиларининг олиштириш остида оҳиста қўлдирди. Самолётдан тушадиган аниқлоқ олдидан Исроил байроғи билан ёнма-ён Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи шамолда қиллираб турганини кўрганда юракларимиз оранчибу тушди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» расмий делегациясини Исроил авиакомпаниясининг раҳбарлари кутиб олишди. Кутиб олиш маросимида улар Ўзбек учувчиларининг ушбу парвози биргина янги халқаро ҳаво йўлини очибгина қолмасдан, шунингдек халқларимизга ўрнатилган хизмат қилганини кайта-кайта таъкидладилар. Эндиликда Тель-Авивга келиш учун бошқа шаҳарларга бориш, самолётдан самолётга чиқишга ҳожаат қолмади.
201-халқаро рейс деб номланган ушбу парвоз истиқбол катта ақаллигига ҳамма асослар бор. Биз Бен Гурион номи аэропортга қўнаётганимизда бетон учиб йўлидан бор неча қадам нарида гонг қадридон манзараси — ошпоқ бўлиб очилган пахталарга кўзимиз тушди. Пахтакорларимиз исроиллик мутахассислар билан замонавий технология асосида пахта ештириши, хусусан пахталикда томчиллатиш сургонини қўллаш борасида самарали ҳамкорлик қи-

лаётганлигини эсладик. Меҳоблар бизга Исроилда жамоа ҳужалиқларимиздан ақдоза олиб, ташкил этилган деҳқонлар уюшмаларида гонг юқори натижаларга эришилётганини фатхли равиш гапириб бердилар. Замани асосан тош-шағалдан иборат бўлган бу кичик бир давлатда фан ва техника ютуқларидан кенг қўлланилиб, шу даражада юқори ҳосил етиштирилиптики, у мамлакат халқини боқибгина қолмасдан, етиштирилган қишлоқ ҳужалиқ махсуслоштирилган 80 фюзига яқинини хорижга экспорт қилиш имконини бермоқда. Исроилликларда Ўзбекистон қишлоқ ҳужалиқи ходимлари билан ҳамкорлик қилишга қизириш катта. Шундай экан ҳар икки мамлакат ҳужалиқ раҳбарлари, мутахассислари, фермерларининг тез-тез учрашиб туришлари керак бўлади. Ана шунда янги очилган Тошкент—Тель-Авив — Тошкент халқаро ҳаво йўли узоқни яқин қилиш шубҳасиздир.
Таъбиини, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган қўнгина аҳудийлар аждодларининг юртида бўлиш, исроилликларга ҳамма меҳмонга келиш ниятида бўлсалар керак. Эндиликда уларнинг бир-бирлари билан дийдор қўришишлари учун ҳамма шароит мўжайё. 201-халқаро рейс, айниқса, сайёҳларни раҳбатлантиришга катта хисса қўшини турган гап. Биз ҳаммамиз мўжаддас Қуддус, унинг тарихий қадимжолари тугрисида кўп эшитганимиз ва ўқганимиз.

Бундан бун эса бу мўжаддас жойларини ўз қўлимиз билан кўра оламиз.
Тель-Авивдан Тошкентга қайтиб кетишимиз учун бизда атиги 6 соатга яқин бун вақт бўлганлигига қарамасдан меҳоблар — Исроил авиакомпаниясининг вакиллари Қуддусни энират қилиш нобэ акционитини яратиб беришди. Икки соатдан мўлроқ энират чоғида уч дини — Ислому, христиан, иудий динлари учун мўжаддас ҳисобланган жойларда бўлиди. Бизга Мўхаммад пайғамбаримизнинг муборак қадамлари етган. VII—VIII асрларда қурилган Қуббат ас-Сахра, Ал-Ақса мечитларининг таваф этиш бахтиёрлиги насоб этди...
Исроил вақти билан соат 18 да ИЛ-62 самолётимиз яна ҳавога кўтарилди. Биз гонг қисқа фурсат ичиде қўрган-кечирган ҳис-туйғуларимизга ғарқ эдик. Шу боис бўлса керак кема ходимаси Тошкентга қўнаётганимизни эълон қилиш кутилмаган ҳол бўлди. Вутун эрталаб уюниб кетиб қандайдир 17 соат ичиде Исроилда бўлиш, Қуддусни энират этиш, шунча ҳам кўп нарсани кўриш ва билиш, яна жонажон шаҳримизга қайтиб келиш мумкинчилигини биронга айтсанг ишонини қийин. Ҳа буни бир мўъжиза, деса ҳам муболага бўлмас. Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпаниясининг учувчилари ана шундай мўъжиза яратишга қодир эканликларини яна бир қарра исботладилар.
Тель-ЭРНАЗАРОВ,
Тошкент — Тель-Авив — Тошкент.

Ҳулом ЮСУПОВ.

* Суратли ахборот

БУЮК СУЛТОН НОМИДА

БЕКТЕМИР районининг пойтахт ҳудудига ўтганга ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо район ҳокимлари ва фаоллари амалга ошириб келинган ишлар таъсирчан сазовордир. Жумладан, район Тошкент шаҳри иккинчи ўнгандан кейин қисқа вақт ичида ўтганга яқин кўча номи ўзгаририлди. Эътиборлиси шундаки, номи ўзгарган ҳар бир кўчага район мутасаддилари ташаббуси билан кўрсаткичлар қаторида янги ном ва унинг тарихи ҳақида маълумот лавҳалари ўрнатилиб, кўча байрамлари ўтказилиши аниқланган айланади.

Чунончи, Мустақиллигимизнинг бир йиллиги арафасида районнинг қарий олти километрлик Лихачев кўчасига улғур бобокалонимиз Мир Алишер Навоийнинг болалик дўсти, Хурсон шоҳи ва нозиктаб шоир Хусайн Бойқаро номи берилди. Шу муносабат билан район ҳокимлиги, Ўзбекистон ХДП Бектемир район кенгаши ва район атамалар комиссияси ташаббус кўрсатиб, «Хусайн Бойқаро кўчаси» байрамни ўтказдилар. Байрамда Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир асоси Азизхон Қасимов, профессор Абдуқодир Хайитметов, Суяма Ганиева Хусайн Бойқаро ҳаёти ва ижоди ҳақида йиғилганларга маъруза қилдилар. Сўнгра район ҳокимининг биринчи ўринбосари Ботир Ғойипов улғур бобомиз хотирасига ўрнатилган лавҳани очди.

Шунингдек, Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри актёрлари Еқуб Аҳмедов (Навоий), Турғун Азизов (Хусайн Бойқаро), Беҳзод Муҳаммадқаримов (Навоийнинг ёшлиги), Мадинахоним Мухтомова (Гули) «Алишер Навоий» драмасидан лавҳалар намойиш қилишди.

Бадий кеча сўнггида Хусайн Бойқаро руҳини ёд этиб, Қуръон Карим сураларидан тилловлар ўқиди ва меҳмонларга ош тортилди.

Ҳа, ўзликини англаш, тарихий ҳақиқатни тиклаш эзу иш. Пойтахтдаги бошқа районлар ҳам бектемирликлардан ўрнатилган азиятди. Шу ўринда бир эътиборни айтаётган бўлишимиз керак. Қўлаб районларда аждодлар руҳини ёд шод этиб, ош тортди у ёқда турган ҳаёт номи ўзгарган кўчага янги кўрсаткичи билан кўйгани лозим топмаётдилар. Масалан, Сергели районидagi Полевая кўчаси (шу кўчанинг тор ва берк кўчалари ҳам) тарихнавис, Бобурийзода Мирза Хайдар номи олинганга бир ярим йилдан ошди. Шунингдек, Мирзо Улғубек районидagi Новоульяновская кўчасига Султони Машҳадий номи берилгани ҳам шунча вақт бўлди. Бироқ мутасаддиларнинг лоқайдликлари босиб бу



Бу саволга уларнинг ўзини жавоб кутамиз.

Дилмурод САИДОВ, Тошкент шаҳар Қоғозчи йўли маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг масъул котиби.

СУРАТЛАРДА: Бектемир районидagi ўтказилган байрамдан лавҳалар.

Сергей Каленский суратлари.

ТИЖОРAT ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МАКТАБЛАРИНИНГ РАҚБАРЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!
Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлов корхонаси **МАКУЛАТУВА ТОШНУВУЧИ ШАХСЛАРГА** маъмур эълон чиққан кундан бошлаб макулатура учун қўйилганга харид нархлари жорий этилганлигини маълум қилади: бир тонна макулатура учун — 2200 сўм; бир килограмм макулатура учун — 2 сўм 20 тиيين.

Корхоналар, ташкилотлар ва мактаблардан макулатура олиб чиқиб кетиш учун буюртмалар 48-50-38 телефони орқали қабул қилинади.

Маълумотлар олиш учун телефон: 48-04-93.

КОРХОНА, ФИРМА ВА ЯККА ТАРТИБДА УИ-ЖОН ҚУРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«СТРЕЛА» ФИРМАСИ

Сизнинг уй-жой қуришингизда, давлат идора ва ишлаб чиқариш биноларини таъмирлаш ва қурилиш ишларини олиб боришда мушкулликни осон қилади.

«СТРЕЛА» фирмаси буюртмагини тез ва аъло даражада бажаришга қаратилган.

Қурилиш, пайвандлаш ва таъмирлаш бўйича юқори малакали усталар, махсус

қурилиш ишлари ва соғлаб ишга тушириш бўйича мутахассислар сизнинг хизматингизда.

«СТРЕЛА» фирмаси кичик корхона, цех ишлаб чиқариш тармоқлари қурилиши учун ўзининг майдонларига, шу мақсад учун мўлжалланган тайёр корпус ва босмага эга.

«СТРЕЛА» фирмаси қурилиш ва пайвандлаш ишлари бўйича юқори малакали мутахассисларни танлов йўли билан ишга таклиф этади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, М. Ашрафий кўчаси, 70-а уй. Телефонлар: 91-69-17, 93-03-72.

ТОШКЕНТ ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ИП ЙИГИРУВЧИ, ҚАЛАВАЛОВЧИ, ПИЛИК-ЛОВЧИ, ТУҚУВЧИ ҚАСБЛАРИ БҮЙИЧА

16 ёшдан 35 ёшгача бўлган қизлар ва аёлларни **ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

Машгулотлар гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

Ўқиш муддати 4 ойдан 8 ойгача.

Ўқувчиларга ўқишнинг 1,2 ойлариди 1000 сўм, 3,4 ойлариди 700 сўм, қолган даврда 400 сўм стипендия тўланади. Бундан ташқари амалий дарслар вақтида ишлаб чиқарган маҳсулотлари учун 100 фоиз ҳақ олади.

Бутун ўқиш муддати давомида ўқувчиларга оқватланиш учун ҳар кун 15 сўмлик талонлар берилди.

Бирлашма ишчиларининг ўртача иш ҳақи 3500 — 6000 сўмни ташкил этади.

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Яққасарой ноҳияси, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй. (2, 57, 80, 97-автобуслар; 17, 25-маршрутли таксиларнинг «Билим юрти» бекати.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 55-44-85, 55-44-96.

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА! «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

Босма маҳсулотларнинг қуйидаги турлари бўйича шошилич ва оддий буюртмаларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

- юмшоқ муқовали китоблар, брошюраларнинг ҳажми 384 қоғоздан ошмаслиги керак, формати 84×108^{1/32}, 70×108^{1/32}, 84×108^{1/16}, 70×108^{1/16};
- рангли буклетлар, проспеклар, болалар учун мўлжалланган юмшоқ муқовали китобчалар, ёрлик (этикетка) лар, отқитқалар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турлари. Қоғоз формати 60×45 дан 90×120 см. гача;
- рангли бўёқда бажарилган деворбоп гул қоғозлар ва текстуралар;
- буюртмачининг картондан ясалган рангли кўччалар;

Сизнинг қоғозингиз ва бизнинг меҳнатимиз эвазига юқори сифатли бажарилган буюртмаларга эга бўласиз!

Қоғозингиз ёки босма материалларни топшида қийналсангиз, хотиржам бўлинг, Сизга уни биржа орқали харид қилишга ёрдам берамиз.

Босма маҳсулотларнинг тайёрланиш муддати қуйидагича:

- тайёр матрица ва позитивлардан — 1 ойгача, асли нусхадан, яъни оригиналдан — 2 ойгача.
- Клише, шильда, бланк, канцелярия дастурлари концерни қоғозидан чекланмаган миқдорда тайёрлаб берилади.
- Мурожаат қилиш учун манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй. Телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.

КАТТА КОНЦЕРТ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

12—13 сентябрь кеч соат 17.00 да Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада оркестрининг бадий раҳбари, таниқли бастакор **АНОР НАЗАРОВ**нинг **ИЖОДИЙ КЕЧАСИ УТКАЗИЛАДИ**

КЕЧАДА: Ўзбекистон халқ артисти **Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ**, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Нуриддин ҲАЙДАРОВ**, хонандалар **Юлдуз АБДУЛЛАЕВА**, **Қозим ҚАЮМОВ**, **Гулбаҳор СУЛАЙМОНОВА**, **Муҳаббат ҒОФУРОВА**лар, шунингдек «Қамолот—91» кўрик-танловининг голиби **Ойбек СУЛТОНОВ**, «Қизиқчи—91» кўрик-танловининг совриндори **Болтабой ТОШМАТОВ** ва жажжи хонанда **Достон УБАЙДУЛЛАЕВ**лар иштирок этадилар.

Чипталар Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида соат 10.00 дан 18.00 гача сотилмоқда.

Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/IX да Унис фарёд (18.30), 12/IX да Назот ис-таб (18.30), 13/IX да Келин-лар кўзголи (18.30).

Умумий оқватланиш давлат концерни жамоаси Яққасарой ноҳия ошқоналар трестининг 7-ошқона раҳбари **Шаҳзод Рашидович САИД-ДЖАЛИЕВ**нинг беватт вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этадилар.

Яққасарой ноҳия ошқоналар трести жамоаси 7-ошқона раҳбари **Шаҳзод Рашидович САИД-ДЖАЛИЕВ**нинг беватт вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этадилар.

«Умид» савдо-ишлаб чиқариш акционерлик жамияти жамоаси идоранинг ишаридаги 14-«Файз» дўкон мудири **Мамланат Файзиевна ТОИРОВА**нинг вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификациялаш Ўзбекистон давлат марказининг жамоаси шу марказ бош директорининг биринчи муовини Р. А. Саидовага турмуш ўртоғи **Абдували Сайдозович САЙДАЗОВ**нинг вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Автомобиль транспорти вазири бажариш бўлими бош институти собин проректори **Абдували САЙДАЗОВ**нинг беватт вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор этади.

ҚУЛЛАРИДА

даста-дас-та гуллар билан ўз билим масканларига кириб келаятган ўқувчиларни нарнай-сурнай садолари остида кутиб олишди. Мактаб ҳовлиси байрамона безатилган. Муаллимларнинг чехраларида қувонч порлайди. Улар бирин-кетин кириб келаятган меҳмонлар, маҳалла фаоллари, фахрий ўқитувчилар, она-оналарни дастурхонга таклиф этишляпти.

Бу кун маъмур билим даргоҳи — Муқимий номи 154-мактабининг 25 йиллик тўйи нишонланмоқда. Шундай дамда қувонай бўладими? Мактабининг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Муқаррам Мирҳусанова йиғилганларни қувончли айём билан қизгин кутлаб, сўзни меҳмонларга берди.

Миробод район халқ таълими бўлими мудири вази-фасини бажарувчи Эркин Абдукаримовнинг табрик сўзлари барчага манзур бўлди. Бир гуруҳ ўқитувчилар ша-

ҳар халқ таълими бош бошқармасининг фахрий ёрлиқ-лари билан тақдирланди. Му-кофотланганлар орасида ўқувчиларнинг чуқур билим олишларига муносиб ҳисса

нат фахрийлари Зухра Шо-кирова, Нури Азимова, Жў-ра Ортиқовлар сўзга чиқи-шиб, жамоани чорак асрлик тўй билан муборақбод этиш-ди.

*** Келажакимиз—мактабда**

МУНОСИБ НИШОНЛАНДИ

Биз мактаб директори, ёш ва талабчан педагог Дилму-род Жўра ўғли билан суҳ-батландик.

— Бу йил мактабининг 150 ўқувчи битирди, — де-ди у. — Шулардан беш на-фари медалга сазовор бў-

лишди. Битирувчиларимиз-нинг кўпчилиги олий ўқув-юртларига ўқишга кирдилар. Биз бундан жуда мамнулим. Маъкур ўқувчилардан ўқув-чиларни фанлар бўйича их-тисослашган синфларга бўл-дик. Энди улар математика, она тили ва адабиёт, musiqa фанлари бўйича чуқур би-лим олади. Қувончлиси шундаки, билим даргоҳимиз райондаги миллий-маданият марказлардан бири ҳисобла-нади. Муаллимларимиз Ёш-ларга Мустақил республи-камиз — Ўзбекистоннинг ҳақиқий тарихини ўргатиш, миллий қадриятларимизни тиклаш, таниқли кишилар ҳаёти билан ўқувчиларни та-ништириб бориш борасида тинмай ишланмоқдалар.

Тантанга давомида дилрабо қўшиқлар шўх рақсларга уланади. Байрам дастурхони-га ош тортилди.

Шарифа ИЛЕСОВА.

ТАСОДИФ САВАБ

ШАФФОФ пластмасса билан ёпиштирилган икки қаватли парча-ланмайдиган органик шишаи фаб-рикада тайёрлаш усулининг илк икхориши 1879-1930 йилларда ишлаб ўтган фаранг нимгари Эдуард Бенедиктус ҳисобланади. Унинг айтишича, 1903 йилда Париждаги бежирягина тажриба-ҳонасида ишлаётганда полкадаги бир литрли қолба ногаҳон тушиб кетди. Лекин буни қарангчи, кутилгандек ил-чил бўлган қол-бадан бирорта синиқ бўлган ҳам учиб кетмади. Шиша юзасида ўргичмак иви толасидек нурсимон ёриқлар ҳосил бўлган бўлса-да, улар қолбанинг шишани бузмай-ди, бу бўлақларга бўлинган шиша-лар қандайдир сеҳрли куч таъси-рида ҳамон ўзаро боғланган турар-ди.

Шундан кейин қолбадаги ёриқ кўп парсага гувоҳлик берди. Унда-ги ёзувга кўра қачонлардир бу идишда эритувчилар аралашмаси-да нитроцеллюлоза (нитроцеллюло-за) сақланган экан. Лекин сўнги вақтларда очик қолган идишдаги эритувчилар учиб кетиб, қолбада қолган қуруқ қолдиқ унинг девор-ларида юкка парда қават ҳосил қилган. Шундай қилиб, ушбу тасодифан юз берган воқеа сабаб бўлиб, кимё фанида яна бир икх-ро нафш этилди. Натияжада 1912

йилда Бенедиктус заводда син-майдиған шиша ишлаб чиқаришни бошлаб юборган эди.

ТИРИШҚОҚЛИК ВА КУЗАТУВЧАНЛИК

РЕЗИНАНИНГ вулканизацияси, яъни каучуқни резинага айланиш жараёни Чарльз Гудийр томони-дан 1941 йилда тасодифан топил-ган эди. У қўлида ушлаб турган олтингурут билан ишлов берилган

*** Ихтиролар қандай яратилади?**

бир бўлак каучуқни печка устига тушириб юборди ва шундан кейин ўша каучуқни анчайин пишди-пухта бўлиб қолганини пайқаб қолади. Воқеа унинг кўзи ўнгига шундайин ошпа-осон юз берган бўлса-да, у бу нафийнинг дарҳол эмас, балки йиллар давомида фан-тикларига ўз тиришқоқлиги билан хом каучуқка унинг пишдиқлигини ошириш учун турли моддалар ара-лашмасидан қўшиб, уларни ҳар хил ишловдан ўтказиб исботлашга мажбур бўлди.

«Менинг нафийнинг кимёвий йўли билан қилинган илмий изла-нишларининг натижаси эмасди, — деганда у. — Лекин шу билан бирга уни фақат тасодифгагина

боғлаш ҳам нотўғридир. Бу ихти-ро менинг тиришқоқлигим ва куза-тувчанлигимнинг бевосита натижа-сидир».

СЕВИЛИСИ ШАРАФИГА

ҚАДИМГИ одатга кўра ихтиро-чилар ўзлари яратган янгилик-ларга ўзлари хоҳлаган, кўнгилла-ларга тусган сеvimли номларни бе-ришар эди. Мисол учун А. Байер мочевинани молон кислотаси билан ўзаро таъсир эттириб олган модда-сини «Барбутир кислотаси», деб номлади. Агар кимё қонун-қонда-сидан келиб чиқадиган бўлса, янги олинган модда номида мочев-ина ва молон кислотасининг ном-лари қандайдир йўл билан уйғун-лашиб кетиши керак эди. Лекин Байер ундай қилмади ва қадимги одатга кўра иш тутди.

Невинчалик профессор Ёши қайтган пайтда ўқитган маъруза-ларидан бирида бу воқеа ҳақида шундай деганди:

— Мен ўша вақтларда Барбара хонимни севар эдим. Шунинг учун ўшанда мочевинадан олинган би-рикма «Барбутир кислотаси» деб ном бергандим-да.

Аҳмад ДАМИНОВ тайёрлаган.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТВ МУҲТАРАМ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ВА РАДИОТИНГЛОВЧИЛАР!

Ўзбекистон ҳудудида намоийш этиладиган барча телекўрсатувлар ҳамда радиоешиттиришлар ҳақида олдиндан батафсил маълумот бериб борувчи республикадаги ягона нашр —

«ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КЎРСАТАМИЗ»га

1993 йил учун **ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Обуна баҳоси: бир ойга — 8 сўм 75 тиيين.

бир йилга — 105 сўм.

Нашр кўрсаткичи — 75490.

Обуна «Союзпечать» ташкилотлари ҳамда алоқа бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Мабодо, жойларда обунани расмийлаштириш билан боғлиқ саволлар тузилса, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Матбуот тарқатиш агентлигига (телефон: 33-58-72), ҳамда Ўзбекистон Алоқа вазирилик Республика Матбуот тарқатиш марказига (телефон: 33-60-78) ёки ҳафтанома таҳририятига (телефон: 33-32-93) мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент оқшоми

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва яқшабадан таъқари ҳар кун уzbek тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-53-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмажаммаси.